

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ГАФУРОВ Фарход Рашидович

*юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD)*

СУЛТОНОВ Хусан Олимжон ўғли

*Божхона институти
4-курс курсанти*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14433917>

БОЖХОНА СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР ВА КРИМИНАЛИСТИК ЁНДАШУВЛАР

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада, Ўзбекистон Республикасида божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув ва криминалистик усулларни қўллашнинг аҳамияти ва зарурати ёритилган. Мақолада, божхона жиноятларининг сиёсий ва иқтисодий хавфсизликка таъсири, шунингдек, ушбу жиноятларга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва усулларининг ривожланиш тарихи батафсил кўриб чиқилади. Хусусан, тезкор-қидирув ва криминалистик усулларни такомиллаштириш орқали давлатнинг сиёсий ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, божхона назоратининг самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, мақола божхона соҳасидаги жиноятларни фош этишда илмий ва амалий жиҳатларни ўз ичига олган тарихий ёндашувларни таҳлил қилади.

Калит сўзлар: божхона жиноятлари, тезкор-қидирув усуллари, криминалистика, сиёсий хавфсизлик, иқтисодий хавфсизлик, ташкилий-ҳуқуқий асослар, криминалистик экспертиза, жиноятларни фош этиш, хавфсизлик таҳдидлари, Ўзбекистон Республикаси, криминалистика тарихи.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ И КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ В БОРЬБЕ С ПРЕСТУПЛЕНИЯМИ В ТАМОЖЕННОЙ СФЕРЕ

АННОТАЦИЯ

Данная статья освещает важность и необходимость применения оперативно-разыскных и криминалистических методов в борьбе с преступлениями в таможенной сфере Республики Узбекистан. В статье рассматривается влияние таможенных преступлений на политическую и экономическую безопасность, а также организационно-правовые основы борьбы с такими преступлениями и история развития методов борьбы с ними. Особое внимание уделяется улучшению оперативно-разыскных и криминалистических методов с целью обеспечения политической и экономической безопасности государства, а также повышения эффективности таможенного контроля. Кроме того, в статье анализируются научные и практические подходы к раскрытию преступлений в таможенной сфере, основанные на историческом подходе.

Ключевые слова: таможенные преступления, оперативно-разыскные методы, криминалистика, политическая безопасность, экономическая безопасность, организационно-правовые основы, криминалистическая экспертиза, раскрытие преступлений, угрозы безопасности, Республика Узбекистан, история криминалистики.

ORGANIZATIONAL-LEGAL FOUNDATIONS AND FORENSIC APPROACHES IN THE FIGHT AGAINST CRIMES IN THE CUSTOMS SECTOR

ANNOTATION

This article highlights the importance and necessity of applying operational-search and forensic methods in the fight against crimes in the customs sector of the Republic of Uzbekistan. The article examines the impact of customs crimes on political and economic security, as well as the organizational and legal foundations of combating such crimes and the history of the development of these methods. Particular attention is given to improving operational-search and forensic methods to ensure the political and economic security of the state, as well as increasing the efficiency of customs control. Additionally, the article analyzes scientific and practical approaches to solving customs crimes based on a historical perspective.

Keywords: Customs crimes, operational-search methods, forensic science, political security, economic security, organizational-legal foundations, forensic expertise, crime solving, security threats, Republic of Uzbekistan, history of forensic science.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув ва криминалистик усулларни қўллашнинг ижтимоий зарурати долзарб аҳамият касб этмоқда.

Шу боис, божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув ва криминалистик усулларни қўллашнинг ижтимоий заруратини ёритиб бериш муҳим ҳисобланади.

Бу борада шуни айтиш жоизки, божхона соҳасидаги жиноятлар уюшган жиноятчиликнинг оғир турларидан бири бўлиб, унинг суверен давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта зарар етказиш хавфи, Ўзбекистон раҳбарияти ва халқини жиддий ташвишга солмоқда.

Албатта, ҳозирги кунда, биз дунёнинг турли жойларида, қарама-қаршиликлар ва кескинликлар тобора кучайиб бораётган таҳликали бир замонда яшамоқдамиз.

Шунинг учун, терроризм, сепаратизм, экстремизм, наркотрафик ҳамда бошқа хавф-хатар ва таҳдидлар қатори божхона соҳасидаги жиноятларнинг тобора ортиб бориши ҳам барчамизни хавотир ва ташвишга солмасдан қўймайди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё минтақаси марказида бўлгани боис, божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш борасида божхона органлари олдида божхона назорати самарадорлигини янада ошириш, биринчи навбатда, божхона соҳасидаги жиноятларни фош этиш, яъни товарларни ноқонуний равишда олиб ўтилиши, гиёҳвандлик воситалари, қурол-яроғ, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларнинг олиб ўтилишини олдини олиш каби ўта масъулиятли вазифани ҳал этишни кўндаланг қилиб қўймоқда [1].

Шу боис, бугунги кунда божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, шу жумладан тезкор-қидирув ва криминалистик усулларни қўллашни такомиллаштириш ижтимоий заруратга айланган бўлиб, мазкур ижтимоий заруратни Ўзбекистон Республикасининг сиёсий ва иқтисодий хавфсизлигига бўлган таҳдидларни бартараф этиш билан изоҳлаш мумкин.

Хусусан, божхона соҳасидаги жиноятлар давлатнинг сиёсий ва иқтисодий хавфсизлигига қуйидаги таҳдидларни келтириб чиқаради:

Сиёсий хавфсизликка нисбатан:

1. Давлатнинг конституциявий тузуми, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетига таҳдид солади;

2. Ички сиёсий барқарорликка, жамоат осойишталиги ва аҳолининг соғлиги ва тинчлигига таҳдид солади.

Иқтисодий хавфсизликка нисбатан:

1. Яширин иқтисодиётнинг ошишига олиб келади;

2. “Ҳалол” тадбиркорлик ва рақобат муҳитининг бузилишига олиб келади;

3. Тўлов балансининг барқарорлигига таҳдид солади;

4. Давлат валюта заҳирасининг камайишига олиб келади;

5. Мамлакатда товар-пул муносабатларида мувозанатининг бузилишига олиб келади;

6. Давлатнинг валюта сиёсатини издан чиқаради;

7. Давлатнинг ташқи савдо фаолиятида ва ички валюта бозорида валюта тақчиллигига олиб келади;

8. Давлат ҳудудида ташқи савдо билан боғлиқ хуфёна иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади;

9. Божхона ва валютани тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг бузилишига олиб келади ва иқтисодий жиноятлар кўпаяди;

10. Солиқ ва тўловларни тўлиқ ҳажмда ундирилмасдан қолишига олиб келади;

11. Инвестициявий муҳит ёмонлашади;

12. Ташқи савдо операцияларига оид расмий статистик маълумотлар нотўғри шаклланади;

13. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш ошиб боришига олиб келиши мумкин.

Юқорида кўрсатилган божхона соҳасидаги жиноятлардан кутиладиган 2 йўналишдаги таҳдидларни асослайдиган бўлсак, бу шу билан изоҳланадими, бундай таҳдидларнинг вужудга келиши, аввало божхона соҳасидаги жиноятларнинг предметлари билан боғлиқдир.

Божхона соҳасидаги жиноятларнинг предметлари қуйидаги **2 турга** бўлинади:

1-тур предметлар – бу контрабанда ашёлари, яъни кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуролни, ўқ-дориларни ёки ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, шунингдек гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материаллар, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламалар, радиоактив материаллар бўлиб, мазкур предметлар божхона чегараси орқали ноқонуний равишда Ўзбекистон ҳудудига олиб кирилганда давлатнинг сиёсий хавфсизлигига таҳдидларни келтириб чиқаради.

2-тур предметлар – бу олди-сотди ёки айирбошлаш объекти бўлган ҳар қандай турдаги товарлар, ишлар (хизматлар), ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, қимматли қоғозлар, валюта қимматликлари, электр, иссиқлик энергияси ва бошқа турдаги энергия, транспорт воситалари, интеллектуал мулк объектлари бўлиб, мазкур предметлар божхона чегараси орқали ноқонуний равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кирилганда давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдидларни келтириб чиқаради.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида кўрсатилган сиёсий ва иқтисодий таҳдидларни баратараф этиш зарурати бугунги кунда божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, шу жумладан тезкор-қидирув ва криминалистик экспертиза усулларини такомиллаштиришни тақазо қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, энди божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув ва криминалистик усулларни қўллашнинг ривожланиш тарихини очиб берамиз. Бу борада шуни айтиш жоизки, божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув ва криминалистик усулларни қўллашнинг ривожланиш тарихини қуйидаги **2 та соҳага** бўлиб ёритиб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1-соҳа – бу криминалистика ва тезкор-қидирув фаолиятининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи;

2-соҳа – бу тезкор-қидирув ва криминалистик усулларнинг божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда қўллашнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи. Чунки 1-соҳани ёритмасдан туриб, 2-соҳани очиб бериш мантиқий узулишларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, тезкор-қидирув ва криминалистик усулларнинг божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда қўллашнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи, асосан, криминалистика ва ТҚФнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи билан чамбарчас боғлиқ ва ўзаро уйғунликка эга ҳисобланади.

Шундай қилиб, 1-соҳани, яъни криминалистика ва ТҚФнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини батафсил ёритадиган бўлсак, бунда дастлаб криминалистикани вужудга келиши ва ривожланиш тарихига тўхталиб ўтамиз, чунки, биринчи бўлиб, жиноятчиликка қарши курашиш амалиётида криминалистика жиноят процессидан ажралиб чиқиб, мустақил соҳа сифатида шаклланган, шундан сўнг, ТҚФ криминалистикадан ажралиб чиқиб, мустақил соҳа сифатида вужудга келган ва шаклланган. Яъни жиноят процесси – криминалистика – тезкор-қидирув фаолияти (ТҚФ) каби мазкур соҳалар кетма-кетликда келиб чиқиш тарихига эга ҳисобланади.

Замонавий криминалистик билимларнинг илдизи Европа ва Россияга бориб тақалади. Криминалистиканинг фан сифатида шаклланишида XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ижод қилган Г.Гросс, А.Бертильон, Р.Рейс, Э.Локар каби Европа олимларининг ҳиссаси каттадир [2].

Масалан, француз олими А.Бертильон криминалистика соҳасининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олимлардан бири ҳисобланади. Унинг ҳиссаси шундаки, мазкур олим “Бертильон усули” ўн тўрт ўлчовни ҳисоблаш билан бошланади - яъни баландлик, оёқ узунлиги, қўл, кулок, биллак, бурун кўприги, кўзгача бўлган масофа. Бу антропометрик тизим рецидивистлар (жиноятларни такрорий содир этувчилар) Франциядаги қамоқхона маҳбусларининг ярмини ташкил қилган ва маҳбусларни депортация қилиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилинишига олиб келган бир пайтда пайдо бўлди. Кейинчалик бу усул гувоҳларнинг сўзларига қараб, жиноятчининг ташқи қиёфасини тасвирлашни, яъни “оғзаки портрет” усулини криминалистика соҳасида кенг қўлланилишига олиб келди. Унинг шогирди немис олими Родольф Арчибальд Рейс криминалистика соҳасида 1902 йилда “Суд фотографияси” маърузалар курсини киритган ва 1908 йилда Европадаги (Швейцария) Лозанна университети ҳузурида Криминалистика институтини ташкил этган ва бу институт бутунги кунга қадар фаолият юритиб келмоқда.

Француз олими Эдмон Локар эса суд тиббиётининг асосий тамойилини шакллантирган: “Ҳар бир алоқа ўзидан из қолдиради”. Бу криминалистикада “Алмаштиришнинг Локар принципи” деб номланган. Э.Локар 1918 йилда бармоқ изини идентификация қилиш учун 12 та мос ғояларни ишлаб чиққан [3].

Криминалистиканинг назарий саволлари ушбу даврда Россияда асосан криминалистик техникага бағишланган унчалик кўп бўлмаган илмий асарларда ўз аксини топган.

Криминалистиканинг ривожланишидаги кейинги босқич қуйидагича учта асосий давр ажратиб кўрсатилади:

1-давр: эмпирик материалларнинг тўпланиши (1917-1939 йиллар);

2-давр: криминалистик назарияларнинг шаклланиши (1940-1950 йилларнинг ўрталари);

3-давр: криминалистика умумий назариясининг шаклланиши ва ривожланиши (1960 йилдан то ҳозирги кунгача).

1917-1939 йилларда криминалистиканинг шаклланиши фан соҳасига ички ишлар органлари, прокуратура, адлия, экспертиза муассасаларидан келган И.Н.Якимов, В.И.Громов, П.И.Тарасов, Е.У.Зицер, С.А.Голунский, С.М.Потапов каби криминалистларнинг илмий ва амалий фаолияти билан боғлиқ [4].

Бу криминалистлар криминалистик амалиётни яхши билганлари сабабли ушбу амалиётни умумлаштирганлар ва жиноятчиликка қарши курашишнинг восита ва методларини такомиллаштирганлар. Шунинг учун уларнинг илмий ишлари кўпроқ амалий йўналишга эга бўлган. Хусусан, бу йилларда В.И.Громов томонидан жиноятларни тергов қилиш методикасининг назарий асослари яратилган бўлса, М.Ю.Манс томонидан эса криминалистиканинг мазмуни ва предметини таҳлил этишга ҳаракат қилинган. Ушбу даврда дактилоскопия (П.С.Семеновский, Г.Данилевский, Б.М.Комаринец), кўздан кечириш тактикаси (Н.П.Макаренко), суд фотографиси (С.М.Потапов) ва криминалистиканинг бошқа саволлари бўйича жуда мазмунли илмий асарлар чоп этирилган.

1935-1936 йилларда биринчи криминалистика дарслиги чоп этирилган ва бу дарсликда криминалистика учта тизимда ёритилган: жиноий техника, жиноий тактика ва жиноий методика. Бу дарслик шу давргача мавжуд бўлган криминалистик билимларни умумлаштирган ва криминалистиканинг ривожланиш даражасини ифодалаган. Унда барча восита ва методлар қонунга қатъий амал қилган ҳолда қўлланилиши ва жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашни таъминлаши лозимлиги таъкидланган.

1940-1950 йилларда эмпирик материалларнинг умумлаштирилиши хусусий криминалистик назария ва таълимотларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Ушбу даврда криминалистиканинг предмети ҳақида таълимот ривожланди ва криминалистика бошқа соҳалари бўйича илмий қондаларга асос солинди. Айнан шу даврларда криминалистик идентификация ва гуруҳий тааллуқлилиқни аниқлаш назариясига асос солинди (С.М.Потапов), излар тўғрисидаги таълимот ишлаб чиқилди, криминалистик трасология (Б.И.Шевченко) ва баллистика (Б.М.Комаринец), суд-фотографияси ва ҳужжатларнинг криминалистик тадқиқотлари (С.М.Потапов, Н.А.Селиванов) муаммолари ўрганилди.

1940-1950 йилларда ҳужжатлар экспертизасининг назарияси ва методикаси ривожланди (А.И.Винберг, Н.В.Терзиев, В.Ф.Орлова), криминалистик рўйхатлар шаклланди (А.И.Винберг, В.М.Шавер, Н.В.Терзиев). Криминалистика тактикада тергов тусмоллари ва тергов фаолиятини режалаштириш ҳақида таълимотлар ва билимлар вужудга келди (С.А.Голунский, Т.М.Аруманиян, П.И.Тарасов-Родионов, Н.А.Васильев, Г.Н.Александров, А.Н. Колесниченко). Шунингдек, булар билан параллел равишда алоҳида тергов ҳаракатлари тактикаси борасида изланишлар олиб борилди (П.Н.Тарасов-Родионов), алоҳида турдаги жиноятларни тергов қилиш методикаларига катта эътибор берилди.

Криминалистиканинг ривожланишидаги учинчи босқич умумий назариясининг шаклланиши билан характерланади. Умумий назария криминалистика фани методологиясининг асоси бўлиб қолди. Криминалистиканинг умумий назарияси аҳамияти ва вазифалари Р.С.Белкин ва Ю.Ф.Винберглар томонидан тўла ёритиб берилган.

1976 йилда Р.С.Белкин ва Ю.Ф.Краснобаевлар томонидан криминалистика предметининг янги қонцепцияси олға сурилди. Айни вақтда дастлабки тадқиқотлар, тезкор-кидирув, суд ва экспертиза фаолиятларининг мазмуни ҳар томонлама тадқиқ этилмоқда, ҳақиқатни аниқлаш бўйича восита ва методларни яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш борасида фаолият ривожланмоқда.

Криминалистиканинг бошқа фанлар билан алоқаси фаол ўрганилмоқда (Н.А.Селиванов, Р.С.Белкин, А.А.Эйсман), фанда янги йўналишлар шаклланмоқда, масалан, малака ва кўникмалар ҳақидаги таълимот (Г.А.Самайлов), жиноят содир этиш усуллари бўйича таълимот (Г.Г.Зуйков, И.М.Лузгин, В.П.Лавров), криминалистиканинг тили ҳақидаги таълимотлар (Р.С.Белкин), сабабийликнинг криминалистик назарияси (А.А.Эйсман, З.М.Соколовский, А.Я.Палиашвили), криминалистик башорат (Р.С.Белкин, Г.Л.Гранвский) фаол ўрганилди. Криминалист олимлар томонидан диагностика ва габитология соҳаларига (В.А.Снетков) эътибор берилди. Шунингдек, маҳаллий олимлардан А.Ачилов, И.Астанов ва М.Дўстовлар криминалистиканинг вужудга келиши, ривожланиши ва божхона соҳасидаги жиноятларни фош этишда қўллашнинг хусусиятларини ўрганиб тадқиқ қилишган. Юқоридаги каби криминалистиканинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини 3 даврга бўлинганлигини ўз илмий ишларида таъкидлаб асослаб беришган [5].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида божхона соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда тезкор-қидирув ва криминалистик усуллари қўллашнинг аҳамияти катта. Ушбу усуллар давлатнинг сиёсий ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди, божхона жиноятларининг олдини олишга ёрдам беради. Шунингдек, мақола божхона назоратининг самарадорлигини ошириш ва жиноятчиликка қарши курашишда илмий ёндашувлар, технологиялар ва ҳуқуқий меъёрларни мустаҳкамлаш заруратини таъкидлайди. Буларнинг барчаси мамлакат хавфсизлиги ва иқтисодий барқарорликни сақлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ИҚТИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 2022 йилда божхона маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва соҳани коррупциядан холи тизимга айлантириш бўйича устувор вазифалар юзасидан 2022 йил 17 февралда ўтказилган йиғилишдан.
2. Бертильон А. “Судебная фотография, с приложением по антропометрической классификации и идентификации”. Книга. 1890. Рейс Р. «Судебная фотография». Книга. 1903.
3. Вэл Макдермид. Анатомия преступления: Что могут рассказать насекомые, отпечатки пальцев и ДНК. = Val Mcdermid: “Forensics: The Anatomy of Crime”. - М.: Альпина Нон-фикшн, 2016. - 344 р. - ISBN 978-5-91671-591-0
4. Якимов И. Н. Практическое руководство к расследованию преступлений. - М. : «Заготхоз» милиции Республики, 1924. - 210, VIII с. Громов В.И. Методика расследования преступлений. Руководство для органов милиции и уголовного розыска (книга, 1929 и 1930). Тарасов-Родионов П. И., Громов В. У. Расследование хищений и злоупотреблений в торговом аппарате. Пособие для органов расследования. - М. Госюриздат, 1934. Зицер Е. У. Монодактилоскопия (Система Семеновского). Учебное пособие. - 1930. Голунский С.А. Техника и методика расследования преступлений. - М., 1934.
5. Ачилов А., Астанов И., Дўстов М. “Божхона органларида криминалистика”. Ўқув қўлланма. Тошкент. 2020. Б-11-13.